

## Фикҳ 175-дарс. Рукуъ ва саждангизни батамом қилинг!



20:00 / 03.03.2022 5421

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ اِيْلَصَّ يَبْنَلَانَا هُنَّ عُلَلِ اِيْضَرَ نَيْحِبِ نَبِ هَلَلِ دَبَّعَنْ ع  
يُورِي فَوْنِ اِيْشَلِ اِهْ اَوْرِيْ طِبْ اِيْضَا يَبْ وُدْبِيْ يَّتَحْ هِيْ دَيْ نَيْبِ جَرْفِ اِيْلَصَّ اِذْ اِنَا ك  
تَرْمِ هِيْ دَيْ تَحْتِ رُمْتِ نَا تَدَارَا هَمْ بِنَا وُلِ يَّتَحْ هِيْ دَيْ نَيْبِ يَفَا جَدَّجَسِ اِذْ اِنَا ك

Абдуллоҳ ибн Бухайна розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, икки қўлларини очиб қўяр эдилар. Ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринар эди».**

Икки шайх ривоят қилишган.

Бошқа бир ривоятда:



Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Имом одамларга малол келмаслиги учун учтадан оширмагани маъқул. Якка намозхон ўзи билади.

Фарз намозларнинг рукуъ ва саждаларида тасбеҳдан бошқа нарса айтилмайди.

**Ҳажми бор ва устига пешонаси ўрнашадиган ҳар бир нарса устига сажда қилиш жоиз.**

Албатта, мазкур нарса жамодот ёки наботот бўлиши мумкин, аммо ҳайвонот бўлмаслиги шарт. Шу билан бирга, сажда қилинган нарсада пешона ўрнашиб турадиган бўлиши лозим.

**Шунингдек, издиҳомда намоз ўқиётган шахснинг орқасига ҳам.**

«Издиҳом» – тиқилинч деган маънони англатади.

Бу иложи бўлмаганда, зарурат юзасидан берилган рухсат.

**Аёл киши пасайиб, қорнини икки сонига теккизади.**

Аёл киши барча ҳолатларда йиғинчоқ бўлиши, барча тарафдан сатрнинг тадбирини қилиши яхшидир. Шунинг учун саждада ҳам у эркак каби эмас, балки ўзига хос сажда қилади.

**Кейин намозхон такбир айтган ҳолида бошини саждадан кўтаради ва хотиржам ўтиради.**

«Аллоҳу акбар!» деб бошини саждадан кўтариб, ўтиради. Бу ўтириш «икки сажда ўртасидаги ўтириш» дейилади. Унда ҳам намозхон бемалол, бўғинлари жойига тушадиган равишда ўтириши лозим. Агар биринчи саждадан қайтганда саждага яқин ҳолатда бўлса, иккинчи саждаси дуруст эмас. Қаъдага яқин бўлса, иккинчи саждаси дуруст бўлади. Икки сажда орасида суннат бўлган дуо йўқ.

**Сўнг такбир айтиб, хотиржам сажда қилади.**

Бу иккинчи сажда бўлади. Бунисини ҳам шошилмасдан, хотиржам ҳолда адо этилади.

**Кейин такбир айтиб, бошини, кейин икки қўлини, кейин икки тиззасини ерга суянмаган ва ўтирмаган ҳолда кўтаради.**

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**